



ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИК ТУШУНЧАСИ

Утеева Багдагул Матмуратовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Жиноят қонунчилигин қоллаш теорияси ва амалиёти 2-курс магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида белгиланган Фирибгарлик жиноятини таҳлил қилиб, унинг , ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга нисбатан кўриладиган жазо турлари ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Жиноят кодекси, фирибгарлик, ўзганинг мулки, талон-тарож, тергов, жиноят таркиби, жиноий жавобгарлик.

Сўнгги вақтларда фирибгарлик, товламачилик билан боғлиқ жиноятлар ортгани сир эмас. Ачинарлиси шундаки, фирибгарлик жинояти ёхуд фирибгар ва ёки товламачи қармоғига илинаётган ватандошлар сони камайиб қолаётгани йўқ. Қолаверса, тараққиёт юксалгани сари фирибгарликнинг янгидан янги турлари ҳам қайд этилмоқда. Ахборот технологиялари, интернет орқали амалга оширилаётган фирибгарликлар ҳам кўп учраяпти.

Фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилиги мулкнинг турли шаклларига тажовуз қилиниши билан белгиланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридаги белгиланган конституция норма талабларини устуворлигини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг учинчи бўлими шу муносабатлар билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарликни ўз ичига олади.

Мулкка қарши қаратилган бошқа жиноятлар (ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкни талон-тарож қилиш қабилар) орасида фирибгарлик жинояти анча мураккабдир. Унинг ижтимоий хавфлилиги тажовузнинг



нимага зарар етказганлиги ёки зарар етказиши мумкинлиги билан белгиланади. Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарликда, шу жиноят таркибини ўз ичига олган ҳаракатларни бошқа ноқонуний қилмишлардан фарқлаш қийин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу жиноятнинг содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол роль ўйнайдилар. Улар фирибгарликнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатидан қўрқиб, жиноятнинг фош этилиши учун ҳаракат қилмайдилар. Жиноят тўғрисида тегишли жойларга хабар қилмайдилар.

Фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилиги яна ушбу жиноятнинг Республикамизда анча кўп тарқалганлигида ҳам намоён бўлади. Ундан ташқари бу жиноят йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Баъзи монография, дарслик ёки илмий мақолаларда бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, амалда квалификация қилишнинг мураккаблиги шундаки, илмий адабиётларда фирибгарликнинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари, бу жиноят таркибининг тўла ёритилмаганлигидадир. Бу камчиликни шу жиноят таркибини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан йўқотиш мумкин деб ўйлаймиз.

Фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Бу жиноят рецидивининг юқори даражада эканлиги фирибгарликка қарши кураш етарли даражада олиб борилаётганлигини кўрсатади. Ундан ташқари, ҳаёт кечириши учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли жамиятга, одамларга ва ҳ.к. моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарликнинг оқибати аҳолига, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Бу жиноятга қарши курашда амалдаги қонунларни қўллашда жиноятнинг мураккаблиги сабабли баъзи қийинчиликлар туғилмоқда. Бу ҳол ушбу қонун амалда татбиқ этилаётганида, жиноятнинг турлича квалификация қилинишига олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси маълум даражада мулкка бўлган фирибгарона тажовузнинг хилма-хиллиги, фирибгарликнинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлаш қийинлигига ҳам боғлиқдир.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишга қарши кураш масаласини тадқиқ этиш комплекс характерга эга бўлиб, ҳуқуқий нормалар, назарий масалалар ва уларнинг қўлланилиши, тергов ва суд амалиёти, қонунлар самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари ва уларни татбиқ этиш амалиётини ўз ичига олади.

Хуллас фирибгарона талон-тарож ҳақидаги илмий адабиётларни, тергов-суд амалиётини ўрганиб чиққан ҳолда фирибгарликни қуйидагича таърифлаш мумкин. Фирибгарлик – бу ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш йўли билан эгаллашдир. Республикамиздаги назарий



муаммолар ва суд амалиётини ўрганиш фирибгарлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи қонунларни янада такомиллаштиришнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд деган хулосага олиб келди. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ўзининг янги поғонасига кўтарилган бир даврда жиноят қонунимизни такомиллаштириш ҳақидаги тақлифлар киритишнинг аҳамияти янада ошмоқда. Албатта, жиноят қонунларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар муаммони чуқур илмий таҳлил этилганлигига, ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётининг самарадорлигини, унинг барча ижтимоий ҳуқуқий томонларини ўрганишга асосланган бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 23.06.2023 йилдаги 17-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Жинояти кодекси <https://lex.uz/acts/-111453>
3. Рустамбайев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том
4. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 66 бет (529 бет).
5. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм) Дарслик. Маъсул муҳаррир: ю.ф.ф.д (ПхД) Х.Очилов – Т.:Адолат нашриёти, 2020.